НАВОИЙ ВА ҲУСАЙН БОЙҚАРО МУНОСАБАТЛАРИ

Б.Жалилов

В статье рассматривается дружеские отношения между А.Навои и Султаном Хусейном Байкара, оставившие заметный след как в истории страны, так и в развитии национальной литературы.

In this article is considered the friendly attitudes between À.Navoiy and Sultan Hussein Bay Kara, left an appreciable trace both in a history of the country, and in development of the national literature.

Совет даври навоийшунослигида яхши ўрганилмаган масалалардан бири Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатларидир. Адабиётшунослар, тарихчилар бу икки буюк шахс муносабатларини ўрганганда, кўпроқ, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги муносабатларига эътибор бердилар. Улар фаолияти шоҳ ва вазир, шоҳ ва муҳрдор, шоҳ ва амир муносабатлари нуқтаи назаридан ўрганилиб келинди. Улар фаолиятига шўролар тузуми нуқтаи назаридан баҳо берилди, бадиий асарларда улар бир-бирига қарши турган кишилар сифатида тасвирланди.

Уларнинг муносабатларини икки инсон, икки дўст, икки ижодкор муносабати негизида ўрганиш қизиқарли маълумотлар беради. Бу икки шахснинг дўстлиги – буюк дўстлик. Инсоният тарихида бутун умр бўйи бирга бўлиш, бутун умр бўйи бир-бирига бу қадар садоқат билан қолиш камдан-кам учрайди. Уларнинг дўстлиги барча авлодларга ибрат бўлгусидир.

Алишер оиласи темурийлар авлодидан эмас. Мирзо Ҳайдар “Тарихи Рашидий” асарида шундай ёзган: “Унинг асли уйғур бахшиларидан ва унинг отасини кичкина бахши дер эдилар, оддий кишилардан эди”. Навоийнинг ўзи ҳам “Бадое-ул бидоя” девонига ёзган сўз бошисида ўз оиласининг темурийлар хонадонига яқинлигини гапиради, ўзининг ота-онадан етти пуштигача “олий даражали хонадоннинг самимий хизматчиси” эканини таъкидлайди:

Отам бу остонанинг хок бези,
Онам ҳам бу саро бўстон канизи,
Манга гар худ бўлгай булбул ва гар зоғ -
Ки ушбу даргоҳ ўлғай гулшану боғ.

Мирхонд “Равзат-ус сафо” номли китобида: “Амир Алишернинг бобоси Амир Темурнинг ўғли Умар Шайх билан кўкалдош эди”,- деб ёзган. Алишернинг отаси Ғиёсиддин Муҳаммад Бойқаронинг ўғли Ғиёсиддин Мансур билан эмакдош бўлган. Алишер ва Ҳусайн Байқаро ҳам кўкалтош бўлиб, улар Навоийнинг онасини эмганлар.

Ҳусайн Алишердан уч ёш катта бўлиб, улар умрбод бирга бўлдилар. Улар ўртасидаги айрилиқ йилларининг энг узоғи 1457 йилдан 1469 йилгача бўлган даврдир. Бу Ҳусайн тахт учун кураш олиб борган йиллар эди. Навоий бу даврда Ҳусайнни маънавий жиҳатдан, амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турди. Иккинчи айрилиқ даври Навоий Астрободга ҳоким этиб тайинланган йилларга тўғри келади. Навоийнинг бунга муносабати қуйидаги байтда ўз ифодасини топган:

Кўнгил мулкин истар ободу бузар хайли фироқ,
То Навоий азми мулки Астробод айлади.

Ҳусайн Байқаро бу иш билан икки мақсадни амалга оширган. Биринчиси, саройда шоирга қарши бўлган кучлар талаби қондирилди. Иккинчси, чегара шаҳар бўлган Астрободни Навоий орқали мустаҳкамлади. Астробод йилига **70 туман** закот, **50 туман** солиқ ҳисобига хазинани тўлдирар эди. Навоий бу ерга ҳоким бўлгач, шоҳга хавф солиб турган Мозондарон ва Журжон вилоятлари ўз ихтиёрлари билан унга тобе бўлдилар. Туркман султони Ёқуббек қимматбаҳо совғалар билан Навоийни табрикласа, Озарбайжон ва Ироқ ҳукумат бошлиқлари ҳам Навоий туфайли дўстона муносабат тикладилар.

Навоий ва Ҳусайн Бойқаро бир-бирини бехад эъзозлаганлар. Бошқалар шоҳнинг гапини икки қилиши мумкин бўлмагани ҳолда, Навоийга саккиз мартагача эътироз билдириш ҳуқуқи берилган. Шоҳнинг илтимосига кўра Навоий ҳаж сафарига бормаган. Навоий ҳаётида шундай давр бўладики, у дунё ишларидан қўл силтаб, фақат тоат-ибодат билан шуғулланмоқчи, узлатга чекинмоқчи бўлади. Уни бу йўлдан Ҳусайн Байқаро қайтариб қолади.

Ҳусайн Бойқаро Навоийни фақат давлат арбоби, салтанат суянчиғи сифатидагина қадрламасдан, балки улкан ижодкор сифатида ҳам эъзозлаган. Восифий “Бадое-ул вақое” китобида шундай ҳикоя қилади: “Алишер ўз “Ҳамса”сини Султон Ҳусайнга бағишлаб тақдим этганда, подшоҳ айтди: “Бир можаро Сиз билан бизнинг орамизда аллақачондан бери ҳал бўлмас эди, бугун шу ишни бир ёқлик қилайлик”.

Бу можаро шундан иборат эдики, Султон Ҳусайн Алишернинг муриди бўлишни кўпдан бери орзу қилар эди. Алишер эса бунга жавобан: “ Ё Оллоҳ, ё Оллоҳ, бу қанақа сўз бўлди! Аслида - биз муридмиз, Сиз ҳаммамизга пирсиз”,- дер эди.

Энди Ҳусайн Алишердан сўради: “Пир нима-ю, мурид нима?” Алишер жавоб берди: “Пирнинг тилаги муриднинг тилаги бўлиши керак”. Шунда Султон Ҳусайн ўзининг оқ отини олиб келишни буюрди. Бу от эса жуда шўх, чопқир эди. Ҳусайн айтди: “Сиз мурид бўлсангизу мен пирингиз бўладиган бўлсам, истайманки, сиз шу отга минасиз, мен эса уни етаклайман”. Алишер ноилож отни минишга мажбур бўлади. Алишер отга ўтириши билан Султон Ҳусайн отнинг жиловини ушлаб, етаклай бошлайди. Алишер ҳушидан кетади. Уни эгардан кўтариб олдилар”.

Ҳусайн Бойқаро рисоласида Навоийга, унинг девонига юксак баҳо беради: “Не девон, Оллоҳ, Оллоҳ, жунгеким (кема) Сафий алфоздин тўла гавҳар бўлғай ва сипеҳр авроқининг пок маонийдан мажлу(тўла) ахтар бўлғай: Назм иқлимида қайси берк қўрғонга куч келтирдиким, эшиги анинг юзига очилмади ва қайси азим кишварга табъ чирики била турктоз солдиким, фатҳ қилмади”.

Султон Ҳусайн Навоий вафот этгач, уч кун унинг уйида таъзияга келганларни қабул қилди. Йигирмасида эса Сари ҳиёбон майдонида катта эҳсон ўтказди. 1501 йил 18 декабрда дабдабали йиғин ўтказиб, дўсти хотирасини эслайди.

Алишер Навоий ҳам Султон Ҳусайнни, авало, дўст сифатида, шоҳ сифатида, улкан ижодкор сифатида беҳад қадрлар эди. У илк қасидаси — “Ҳилолия” дан тортиб, барча йирик асарларида Султон Ҳусайнни тилга олади, унга алоҳида боб ажратади, унинг фазилатларини қониқиш билан қайд этади. Навоий лирик ва эпик асарларида адолатли шоҳ тимсолини яратиб, Султон Ҳусайнни идеаллаштиради (“Хайрат-ул аброр”даги шоҳ Ғозий тимсоли каби). Салбий шоҳлар тимсолини яратиб, улар фожиасини кўрсатиб, шоҳни улардан хулоса чиқаришга ундайди (Бахром тимсоли каби).

Султон Ҳусайн шоҳ бўлиш билан бирга замонасининг етук шоири, Ҳирот адабий мактабининг раҳнамоси эди. Навоий улкан шоир Ҳусайнийни беҳад кадрлар эди. Ҳусайний табъининг нозиклигига мисоллар келтирайлик.

Навоийда шундай воқеа баёни бор. Лутфий ва Навоий кечки пайт ёмғир шивалаб ёғаётган пайтда кўчада кетмоқда эдилар. Лутфийнинг оёғи сирғаниб ерга ўтириб қолади. Навоий кўмагида ўрнидан туради. Шунда Лутфий Хисрав Деҳлавийнинг бир байтини ўқийдики, байтнинг мазмуни ҳозирги ҳолатга ҳамоҳанг эди: шивалаб ёмғир ёғаётган пайтда кўчада кетаётган маҳбуба оёғи сирғаниб йиқилади, ёмғир ришталарини ушлаб ўрнидан туриб кетади! Лутфий ҳам, Навоий ҳам Деҳлавий тасвирига, ундаги маҳбуба ниҳоятда нозик қилиб тасвирланганига тасаннолар ўқишади.

Навоий шоҳ билан суҳбатда шу байтни ўқиб, Деҳлавийга қойил қолганини айтади. Негадир, шоҳ бунга муносабат билдирмайди. Бошқа куни Навоий ва Ҳусайн ёлғиз қолганда, шоҳ Деҳлавий байтини эслаб, Лутфий ва Навоий сезмаган ҳолатни айтиб беради. Байтда мантиқ бузилган. Негаки, ёмғир ришталари осмондан ерга томон оқади. Қандай қилиб маҳбуба ерга томон оқаётган риштани ушлаб, ўрнидан туриши мумкин?!

Инсоннинг ниҳоятда нозиклашиб қолганини кўрсатиш учун Ҳусайний шу ўринда бир байт ёзганини айтади:

Заъфдин кулбамда қўпмоқ истасам айлар мадад,
Анкабути ришта осган бўлса ҳар деворга.

Ҳусайн Байқаро табъининг зўрлигига яна бир мисол. Навоий “Мажолис-ун нафоис” асарида шундай ҳикоя қилади: “Мавлоно Қабулий деган кичик ёшлик йигит Қундуз ва Ҳисор тарафидин келиб эрди, табъи туркий ва форсий назмға мулойим эрди. Олий мажлисға мушарраф бўлуб, подшоҳона таҳсин ва эҳсонға ҳам сарафроз бўлуб эрди. Бир кун туркий ғазалки, матлаи будурким:

Наъл кестим дарди афзун бўлди-ю кам бўлмади,
Доғ қўйдим сўзи кам бўлғай дебон, ҳам бўлмади.

(Мазмуни: Оғриғи камаярмикин деб товонимни кесдим, аммо кам бўлмади. Куйдириши камроқ бўлармикин, деб яна куйдириб кўрдим, бу ҳам бўлмади).

Фақирға бердиким, теграсида эврулгаймен ва хотирға келганин анга айтқаймен. Чун ўқудум ҳам бўлмади. Қофиясини яхши айтмайдур эрди. Дедимки, яхши қофияси будур, мундин яхшироқ боғласанг бўлур эрди. Ул дедиким, мен хийла ташвиш торттим, яхши боғлай олмадим, албатта, бу қофияни сиз боғланг. Чун муболаға қилди, фақир ул қофияни боғладики, бу навъким:

Сарв мойил бўлдиким, ўпкай аёғинг туфроғин,
Йўқса ҳар соат сабо таҳрикидин ҳам бўлмади.

(Мазмуни: Оёғинг туфроғин ўпаман, деб сарв дарахти майл кўрсатмоқда. Бўлмаса, шаббоданинг қимирлатишидан ҳар соат букилмас эди).

Алқисса, Қабулий бу шеърни битиб, наввобдин биринг воситаси била олий мажлисқа еткурубдур. Ул ҳазрат ўқуғондин сўнгра дебтурларким, иккинчи байти анинг назмининг ранги эмас".

Навоий ва Ҳусайний лирикаси қиёсан ўрганилса, улар фақат ижтимоий ҳаётдагина эмас, балки бадиий ижодда ҳам бир-бирига жуда боғлиқ, яқин эканига гувоҳ бўламиз. Навоийнинг қатор ғазаллари бевосита Ҳусайний ғазаллари таъсирида ёзилган.

Маълумки, Ҳусайний олий мажлисда ўз ғазалларидан ўқир ва ғазалга татаббу қилишга амр этар, ёзилган татаббуларга баҳо берар эди. Ҳусайнийга муносиб жавоб айтиш ҳаммага ҳам насиб эта бермас эди. Ҳусайний олий мажлисда шундай ғазал ўқийди:

Ўтқа ёқғил сарвни ул қадди раъно бўлмаса,
Елга бергил гулни ул рухсори зебо бўлмаса.
Сарв бирла гул тамошосига майлим йўқтурур,
Боғ аро гул сарви гулруҳдин томошо бўлмаса.
Неча сафлар чекди мужгондин агар жон мулкига
Кўзларингни майли ҳар дам қатлу яғмо бўлмаса.
Бўлмағай эрди жунун даштида саргардонлигим
Зулфи печи тобидин бошимда савдо бўлмаса.
Гавҳари мақсуд топмоқ мумкин эрмас, эй кўнгул,
Кўз ёшинг то васл умиди бирла дарё бўлмаса.
Соқиё, май тутки, ҳажр андухидин бўлмам халос.
Хар дам илгимда лабо- лаб жоми саҳбо бўлмаса.
Хусайний, уйқу бухудлиғ емак ғамдур менга
Бўлса оби ҳизр умри жовидон, ё бўлмаса

"Бу шеърки,- деб ёзган эди Навоий,- бу авқотда ҳукм бўлуб эрдиким татаббу қилғайлар. Баъзики айтти, лат еди. Баъзи айтмаслигига муътараф бўлдилар. Ул жумладин биз фақир эрдиким, инсоф бердим". Навоийнинг бу шеърга жавобан ёзган шеъри будир:

Ўтқа солгил сарвни ул қадди мавзун бўлмаса,
Елга бергил гулни ул рухсори гулгун бўлмаса.
Сарсари оҳим эсар ғам шоми ҳижрон тоғига
Яхшидур тонг отгунча бу тонғи хомун бўлмаса.
Телбаликдин ваҳки, ҳар дам дардим афзундир агар
Ул пари ишқида ҳар дам дардим афзун бўлмаса.
Гар кўнгил қатл истабон сен ваъда қилдинг тонгла деб
Ушбу дам ўлтир бу эҳсон бирла мамнун бўлмаса.
Хирқа жинсин рахн учун, эй шайх, олмас пири дайр,
Бода бермас токи узлук жинси мархун бўлмаса.
Фоний ул васл истар эрсанг, бенаволиғдин не ғам
Бўлмасун ҳаргиз матои дуняйи дун бўлмаса.
Эй Навоий, тонма гар дер ул пари Мажнун сени
Ошиқ ўлғайму парига улки мажнун бўлмаса.

Ҳусайни шеърларига Навоий жавоб айтгани каби Навоий ғазалларига ҳам Ҳусайний жавоб айтган ҳолатлар анчагина бор. Бу ҳолатни Навоий шундай қайд этган: " Бу фақирнинг бир ғазалига жавоб бу ғазал воқе бўлубтур, ўзим инсоф юзидин мутариф менким, юз марта ортуқроқ тушубтурким:

Тушгани ҳажрингга, э сарви гул, андомим менинг,
Не кўзимда уйқу бор, не жонда оромим менинг".

Бу матлали ғазал Навоийнинг қуйидаги матлали ғазали таъсирида битилгандир:

Ҳар кўнгил ороми чун бўлмиш дилоромим менинг,
Ул сабабдин йўқтурур кўнглингда оромим менинг.

Ҳусайний Навоий ғазалларига меҳр қўйиб, уларга мухаммаслар боғлагани каби, Ҳусайний ғазалларига Навоий ҳам мухаммаслар боғлаган.

Ҳусайний Навоийнинг "Гулшан куйингдин айру боғи ризвонни нетай?,- "Ул жигар парголаси ашким жигаргун қилдило", "Ғунчани хандон бериб, кўнглимда қолди хор-хор" каби ғазалларига мухаммаслар боғлаган, уларни девонига киритган.

Навоий ҳам Ҳусайнининг “Эй Ҳусайний, салтанатдин онча фахрим йўқтур”, “Ким дегайлар куйининг ҳайли гадосидин мени” каби мақтали ғазалларига мухаммаслар боғлаган.

Навоий ва Ҳусайний лирикасида ҳамоҳанг сатрлар шу қадар кўп учрайдики, баъзан кимнинг таъсирида ким ғазал битганини ҳам аниқлаш мушкул бўлиб қолади. Қуйидаги байтларга эътибор беринг.

Ҳусайний:

Эй сабо, бергил хабар сарви равоним келдиму,
Жон иси сендин келур, руҳи равоним келдиму?

Навоий:

Гул сочар ел боғ аро сарви равоним келдиму,
Жон иси гулдин келур ороми жоним келдиму?

Ҳусайний:

Ёрсиз кўрмак ҳаётимни тириклик сонига
Вах, не имкондур тирик бўлмоқ жондин йироқ.

Навоий:

Ҳажр ўлумдин талх этмиш мундин сўнг, эй доврон, мени
Айлагил жондин жудо қилғунча жонондин жудо.

Бу икки ижодкор лирикасидаги яна бир завқбахш нуқта шундаки, улар ўз тахаллуслари орқали сўз ўйинлари қиладилар, ғазал мақтаъсида бир-бирининг исмини, тахаллусини ифода қилаётган фикрга ҳамоҳанг равишда келтирадилар.

Бундан шундай хулоса чиқадики, улар ижод жараёнида бир-бирини ҳамиша назарда тутадилар. Навоий ашъорларининг биринчи ўқувчиси Ҳусайний бўлгани каби, Ҳусайний шеърларининг ҳам биринчи ўқувчиси Навоий бўлгани шубҳасиздир. Ҳусайнийда шундай байт учратамиз:

Чун Ҳусайний тавба синдирди, муғанний, туз наво,
Ҳам “Ҳусайний” пардасида, соқиё, сен бода туз!

Шоир биринчи мисрада ўз тахаллусини бераётган бўлса, иккинчи мисрада куй номини бериб, тажнис санъати орқали сўз ўйини қилмоқда.

Навоийда шундай мақтаъ бор:

Навоий бенаволиқ бирла доим май ичар бу кун
“Наво” нақшини даврон мутриби базмида чолғай деб.

Мазкур байтда “наво” сўзи уч жойда келиб, уч хил маънода ишлатилмоқда. Биринчисида шоир тахаллуси (баҳра), иккинчисида “бахтсизлик”, учинчсида эса куй номини ифода этмоқда. Бу байтда ҳам тажнис санъати қўлланган.

Ҳусайний ғазалларида шундай байтлар ўқиймиз:

Гар Ҳусайнийга бир ўтлуғ юз ғами ўт солмаса,
Бас нечук оламни куйдирди Навоийвор ўти.

Ёки:

Эй Ҳусайний, қилмағил ишрат ҳавосиниким, букун
Ким, гулистона нишотингда Навоийнинг келгуси.

Бундай ҳолатлар Навоий ғазалларида ҳам учрайди:

Эй Навоий, гар вафосиз чиқти ул Султон Ҳусайн,
Топтинг элдинким тиларсен эмди султондин вафо.

Кўринадики, Навоий вафо-султон сўзларининг ўрнини алмаштириб қўллаш орқали тарди акс санъати воситасида Султон Ҳусайнга бўлган гинасини чиройли ифодаламоқда.

Икки ижодкор лирикасининг тимсоллар тасвирида, бадиий воситалар қўллашда ҳам ҳайратомуз яқинликни кузатиш мумкин. Ҳусайний ошиқ тимсоли тасвирида унинг маъшуқа учун фидоийлигини шундай ифода қилади:

Рангсиз холинг бўёғ ҳал қилай кўз мардумин
Суртгаймен шоядки ушбу ровила холингга кўз.

Рангсиз холингни (сифатлаш) бўяш учун кўз қорачиғини эзғилаб қора ранг қилиб берайин (муболаға-иғроқ), шоядки, шу баҳона кўзимни холингга суркаб олсам.

Навоий лирик қаҳрамони эса маъшуқа учун рўмол тикмоқчи бўлган чеварга ипларини қизил ва қора рангларга бўяш учун кўз қорачиғини эзғилаб қора ранг, кўздан оқаётган қондан қизил ранг олишни тавсия қилади:

Истасанг торин қизил ёҳуд қора қилмоққа ранг.
Кўз қорасин ҳал этиб кўздин оқар қонимни қил.

Ҳусайний маъшуқа лаби устидаги ҳол тасвирида тажохилу орифона, ташбеҳ санъатларини қўллаб, гўзал байт яратган:

Нуқтадир ё холи мушкин ул лаби майгун уза
Ё анга ўхшарки, қўнғай шаккар устина чибин.

Навоий ҳам маъшуқа холи, яъни лаб устидаги хол тасвирида тажохилу орифона санъатни қўллайди. Маъшуқа лаби устидаги холмикан ёки яратувчининг котиби ёр юзидаги, лаб устидаги тукчаларни чизаётганда сиёҳдонидан сиёҳ томиб кетганмикан:

Хал эрур ё сўнъ килки саҳфаи рухсор уза
Хат рақам айлар замонда хомадин томмиш мидод.

Ҳусайний ва Навоий ижодидаги ёр лаби устидаги холга муносабат негизида юзага келган санъат кўп шоирлар диққатини тортган. Навоий ғазалида шундай байт бор:

Нуқтаи холинг нечун ширин лабинг устидадур,
Нуқта чун остин бўлур ҳар қайдаким ёзилса лаб.

Мазкур байтда Навоий тажохилу орифона санъатини қўлламоқда. Била туриб, ўзини билмсликка солмоқда ва ёрга шундай савол бермоқда: “Лаб ёзилганда (араб ёзувида) нуқта остида бўлиши керак эди. Нега сенинг нуқтадек холинг(сифатлаш, ўхшатиш) ширин лабинг устида турибди?” Байтда араб ёзувига ишора борлиги учун китобат санъати, “ ост-уст” сўзлари орқали эса тазод санъати қўлланилган. Навоий байти таъсирида Фурқат шундай байт яратган:

Нуқта лаб устида бежодир дедим айда кулиб:
“Саҳв қилмиш котиби қудрат магар таҳририда”.

Э.Воҳидов эса бу сўз ўйинини қуйидагича ифода қилган:

Нуқтадек бир холи бормиш ғунча лабнинг устида
Ул бири ошкор эмишу ул бири пинҳон эмиш.

Навоий Ҳусайний ижодига бўлган меҳрини “Мажолис-ун нафоис” тазкирасида ёрқин намоён этган. Тазкиранинг саккизинчи мажлиси фақат Ҳусайнийга бағишланган бўлиб, шоир ғазалларидан 164 матлаъ фахр билан келтирилган.

Хуллас, халқимизнинг бу икки буюк фарзанди орасидаги инсоний ва ижодий дўстлик ришталари ҳам юртимиз тарихида, ҳам адабиётимиз ривожида чуқур из қолдирган. Демак, Навоий ва Ҳусайн Бойқаро орасидаги ижодий муносабатларни, Ҳусайний ижодий фаолиятининг Ҳирот адабий муҳитидаги ўрни ва аҳамиятини атрофлича ва чуқур тадқиқ этиш адабиётшунослигимиз учун муҳим хулосалар чиқариш имконини бера олади.

Андижон давлат университети,
2009 йил 4 сентябрда қабул қилинган.